



Байрамингиз муборак, азиз она-сингиллар!

Ҳақсевар она юрт, мангу бўл обод!

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2020 йил

7 март

ШАНБА

№ 20 (13281)

@haqiqatonline

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

ЭЪЗОЗ УЧУН ЯРАЛГАН АЁЛ

Шукух

Кўнгилларга баҳорий илиқлик, хушқайфият ва завуқ шавқ бағишлаб кириб келган кўклам-йил ҳали сепини ёйиб улгурмай, ўлкамизда байрамлар бошланиб кетди.

Вилоят ҳокимлиги томонидан Халқаро хотин-қизлар кунини муносабати билан Тошкент туманидаги "Зухрино" маросимлар саройида уюштирилган тадбирда ҳақиқатан ҳам кўнгиллар эъзозу эътибордан яйради.



Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

СИЗ ҲУЗАРСИЗ –
МИЛЛАТИ ҲУЗАЛДИР

Аёл кўвонди қаттидан ул,
Оқ каттафрини хаттидан ул,
Сизнинг дунё сарибодир буткул,
Садолқанда сизлар аввалдир,
Сиз ҲУЗАРСИЗ – миллат ҲУЗАЛДИР.

Она деса, кетар дил тошиб,
Ҳаф кўрени, юзлардан ошиб,
Биз юрайлик сизга ул ташиб,
Борлигиниз юртим сайқалдир,
Сиз ҲУЗАРСИЗ – миллат ҲУЗАЛДИР.

Тадбирда таъкидланганидек, баҳор ва аёл деган ардоқли сўзларнинг бир-бирига нақадар ҳам оҳанг ва уйғун экани барчамизга аён. Чунки, баҳор ҳам, аёл ҳам инсон кўнглида, аввало, ҳаётга муҳаббат, эзгу орзу-интилишлар, нафислик ва гўзаллик каби хиссиётларни уйғотади.

Бу йилги байрам жуда ўзгача, кўтаринки руҳда бўлиб ўтди. Даврага чирою файз бағишлаб ўтирган нафосат оламнинг ма-

ликалари, зебо аёллар, муҳтарама онахонлар чехраси баҳор кўшининг заррин нурлари каби чарогон. Кошонага Аёл, Она деган муқаддас номни улуглаб келаётган вилоятимизнинг фидойи онахонлари, хотин-қизлари йиғилишган. Бу кун улар шаънига айтилган ҳамду сано ва алёрлар булоқ сувидек тиниқ, самимий.



Байрам табриклари

Азалдан Тошкент воҳаси истеъдодли аёлларга бой бўлган. Бугунга келиб, кино ва театр сахнасида яратган бетақрор образлари билан нафақат вилоятимиз, балки республикамиз фаҳрига айланган Ўзбекистон халқ артистлари – беқободлик Дилбар Икромова ва қибрайлик Зухра Ашурованинг аёлларга аталган дил изҳорлари, байрам табрикларини сизга илдиндик.

Дилбар ИКРОМОВА:

– Аёллар байрами қалбларимизга баҳор нашидасини олиб киради. Байрам арафасида биз, актрисаларнинг ишимиз кўпаяди. Айни дамда "Паҳмоқ келин" фильми устида ишлаяпмиз. Баҳоли қудрат юртимга, элимга фойдам тегаётганидан хурсандман. Тошошабинлар қувончи, бахти – менинг ҳам бахтимдир.

Бугун мен давлатимизга фойдаси тегадиган, оиласини чиройли қилиб сақлайдиган, қайнона-қайнотани ҳурмат қиладиган, эрининг қадрини биладиган она-сингилларимни чин қалбимдан табриклайман. Узоқ умр, соғлиқ-саломатлик, омад тилайман.

Аллоҳим барчамизни асрасин. Байрам қалбларга хотир-жамлик олиб келсин!



Зухра АШУРОВА:

– Баҳор энг биринчи аёллар қалбига кириб келади, назаримда. Ва бу бевосита иш фаолиятимизда, кайфиятимизда акс этади. Қасбимиз юзасидан 8 март байрамини учрашувларга бориш, аёлларимизни қутлаш билан қутиб оламиз. Эрта-индин Андижон вилояти аёлларини табриклагани бораман. Бундай масъулятли вазифа мени чекимга тушганидан бахти-эрман.

Бутун дунёни яёв кезсангиз ҳам ўзбегим аёлларидек ибодли, ҳаёли, андишалисини топа олмайсиз. Мана шу хислатларни йўқотмаган она-сингилларимиз ҳамisha саломат бўлишсин. Бизнинг аёллар болам, оилам дея қайгуради, доимо фарзандини дуо қилади. Бугунги гўзал айём арафасида барча аёлларнинг эзгу тилаклари рўёбга чиқсин.

Қадрдонларим, вилоятимизнинг матонатли аёллари, барчангизга баҳор ва гўзаллик байрами муборак бўлсин!



Маорифимиз фидойилари



УСТОЗ

Қуйи чирчиқлик Лира Азаматова олий тоифали педагог, халқ таълими аълочиси. У 52 йиллик меҳнат фаолияти давомида ўзи таълим-тарбия берган минглаб ўқувчилари билан фахрланади. Ҳозиргача тумандаги 36-мактабда болаларга сабоқ бераётган фидойи устозни ўқувчилари ҳар байрамда йўқлаб туришади.

Мансур ҲИММАТОВ олган суратлар

Яхшилар бор яхшиям

Куп.uz интернет сайти орқали "Ким бўлса ҳам ёрдам бергандан Худо рози бўлсин, жуда хор ҳолатда қолдим" сарлавҳали мақо-

ла эълон қилинди. Унда янгийўллик Қурбонбек Турсуновнинг ночор ҳолати ва яхшилар кўмагига муҳтожлиги ҳақида сўз боради.

Орадан бир кун ўтиб, Қурбонбек акага Тошкент вилояти ҳамда Янгийўл тумани ҳокимлигининг амалий сазъ-ҳаракати билан 2 қаватли ижтимоий уйдан 3 хонали хонадон калити топширилди. Гурухимиз билан Қурбонбек аканинг янги хонадонига бўлиб, унинг кўнглидан ўтаётган фикрлари билан қизиқдик.

– Хурсандчилигимни қандай изҳор қилишни билолмайман, – дейди Қурбонбек ака. – Ўзимни жуда ночор, ҳеч кимга керакмасдек ҳис қилардим. Минг бор шукрки, мана шундай уй беришди. Бунинг учун вилоят ва туман ҳокимидан миннатдорман. Дунёда ўзбеклардек танти, саховатпеша инсонлар бўлмаса керак. Сабаби, интернетдаги чиқишдан сўнг, телефон кўнгиноқлари тинмади. Ҳатто, хорижда яшаётган ўзбек биродарларимиз ҳам қўллаб-қувватлашди. Бизга беминнат яхшилик қилганлардан Аллоҳ рози бўлсин.

Маълумот ўрнида: Янгийўл туманида 206 мингдан ортиқ фуқаро бўлиб, но-



Эзгулик

эвазига қайта таъмирланди. 2019 йил августда 10 киши, декабрь ойида 18 фуқаро шу уйлардаги хонадонларга кўчиб ўтган.

Аброр ЭСОНОВ / Тошкент ҳақиқати / олган сурат

ЭЪЗОЗ УЧУН ЯРАЛГАН АЁЛ

Байрам тадбирини вилоят ҳокими Рустам Холматов очиб, барча хотин-қизларни баҳор ва згулик айёми – 8 март Халқаро хотин-қизлар куни билан қутлаб, ўзининг самимий тилаklarини билдирди.

– Аёл – мўтабар, аёл – қуёш, аёл – ҳаё маликаси, муҳаббат маъбудасидир. Аёлга буюк ва муқаддас рутба ато этилган – бу ҳам бўлса фарзандни дунёга келтириш, авлод давомчилигини таъминлашдек улуг неъмат-

дир. Аёл жамиятнинг энг мураккаб муаммоларидан тортиб, оилавий ташвишлар, рўзгор иқир-чиқирларини заковатию оқиллик билан ҳал эта олишга қодир кучдир. Айниқса, Тўмарису Бибихонимлар авлоди саналмиш ўзбек аёлининг нафосати, латофати, метин иродаси, сабр-бардоши, фидойилиги қаршида ҳар қанча таъзим бажо айласак, шунча кам, – деди вилоят раҳбари.

Байрам тадбирида жамият ва

кенг тарғиб этиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида ибратли фаолият олиб бораётган 24 нафар вилоятимиз вакиллари “Мўтабар аёл” кўкрак нишони, ўнлаб опа-сингилларимиз вилоят ҳокимининг “Фахрий ёрлик” ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланишди.

– Мен учун бугун қўшалок



ҳеч қайси мамлакатда аёлларга бизнинг юртимиздагидек эъзозу эҳтиром кўрсатилмайдими. Камтарона меҳнатларим қадр топганидан жуда хурсандман.

Эл ардоғидаги санъаткорлар, сўз усталарининг чиқишлари даврага ўзгача шуқуҳ, меҳмонларга кўтаринки кайфият бахш этди.

Тантанали байрам тадбири эсда қоларли, бетақорор лаҳзалари билан алоҳида аҳамият касб этди. Вилоят ҳокими даврада янграган шўхчан кўшиқларга аёллар билан биргаликда рақсга тушди. Кўпчиликнинг эътирофига кўра “Бунақаси ҳали бўлмаган!”

Аллома АЗИЗОВА,
/ Тошкент ҳақиқати /
Аброр ЭСОНОВ
олган суратлар



(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



давлат ҳаётида фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатган, ўзининг самарали меҳнати билан жойларда маънавий-ахлоқий муҳитни соғомлаштириш, миллий қадриятларни

байрам бўлди, – дейди “Бўстон” санаторийси раҳбари, “Мўтабар аёл” кўкрак нишони соҳибаси Фарида Акбарова. – 38 йиллик меҳнат фаолиятим давомида англаганим шуки,



АБАДИЙ МАВЗУ

• Аёли гўзал бўлган бахтлидир, гўзал бўлмагани эса файласуф...

Сукрот

• Аёл психологиясини ўттиз йил ўргандим, бироқ асосий саволга жавоб тополмадим – “Ҳақиқатан, аёллар нимани хоҳлашадими?”

Зигмунд Фрейд

• Бир аёлни эркекнинг озгина эътиборидан ўзга нарса ёшартира олмайди.

В. С. Маугхан

• Аёлни тушунишнинг ягона йўли – уни севмоқдир... Ва кейин уни тушунишга ҳоҳат қолмайди.

Сидней Харрис

Дарвоқе...

• Аёлларнинг юраги эркекларникидан тезроқ уради.

• Аёллар эркеклардан икки баробар тезроқ киприк қоқлади.

• Аёлларнинг иммунитети эркекларникидан кучлироқ бўлади.

• Аёллар таъм сезиш бўйича анча устун туришадими.

• Аёллар эркекларга нисбатан дардга бардошлидир.

• Аёл миясининг электр фаоллиги ухлаган вақтда бор-йўғи 10 фоизга камайди, шу сабабли улар сергак ухлайди.

• Аёлларнинг нутқи учун миядаги иккита марказ масъулдир: улар бир кунда 8 мингтача сўз айтиб, 3 мингта яқин товуш ва 10 минг сигналдан фойдалана олади. Бу кўрсаткичлар эркекларда икки баробар кам.

• Аёлларда хид сезиш ҳисси кучлилиги туғма хусусиятидир.

ОРАМИЗДАГИ БАРЧИНОЙЛАР

Шукрки, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо. Бунинг учун хавфсизлигимизни ҳимоя қилаётган, кечаю кундуз хизматда шай турган тинчлигимиз посбонларидан миплатдоримиз.

Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармасида эркеклар билан бир сафда хизмат қилаётган 700 нафарга яқин хотин-қизлардаги метин ирода, жасорат, сабр-бардошни кўриб, улар чиндан Тўмарису Барчинойлар авлоди эканлигига шубҳа қилмаймиз. Улар иш жойларида масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда



хизмат қилиш билан бирга, оилада севимли ёр, меҳрибон она, фариштали уй бекаси ҳамдир.

Фурсатдан фойдаланиб, хизмат либослари ярашган, доимо сергак опа-сингилларимизни баҳор байрами билан қутлаймиз!

Аброр ЭСОНОВ
олган суратлар

Спортчи келин

Олмаликликларнинг “Ибратли оила” деган эътирофига сазовор бўлган Каримовлар хонадонидан уч келин бор.

Шаҳар тазқондо спорт туфайлидир. Луиза “Ёшлар фидокори” унвонига сазовор бўлган мураббий. Унинг умр йўллари До-ниёр Каримов билан боғлианиши ҳам айнан

аёл мураббийи”, дея эътироф этилди. Л. Давидованинг ёшлар билан олиб борган машғулотлари натижасида унинг гуруҳи “2019 йилнинг энг яхши жамоаси” бўлди.

Мансур ҲИММАТОВ
олган сурат



Сарҳисоб

КАМЧИЛИКЛАР ОЧИҚЛАНДИ

Нурафшон шаҳрида Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти вилоят ташкилоти туман ва шаҳар бўлинмаларининг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига

мувофиқ нодавлат жамоат ташкилотларининг родини ошириш, ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича фаолиятини ўрганиш натижаларига бағишланган раёсат йиғилиши ўтказилди.

Тадбирда таъкидланишича, ўрганишлар жараёни таҳлил қилинганда ўтган йил давомида турли йўналишлар бўйича кўрсаткичлар сезиларли даражада ўсган. Лекин, бу бошқа вилоятларга нисбатан паст натижа ҳисобланади. Бундан ташқари, баъзи туман ва шаҳар ҳудудий бўлинмалари томонидан қатор камчиликларга йўл қўйилган.

Хусусан, пул тушумлари, бухгалтерия ҳисоботлари, ҳужжатларнинг юритилиши шулар жумласидан.

Йиғилишда мавжуд камчиликларни бартараф

этиш, ҳамкор ташкилотлар билан ишлашни янада кучайтириш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилиб, зарур тавсиялар берилди.

Маълумот ўрнида: жамиятнинг вилоят бўйича бошланғич ташкилотлари сони 305 та бўлиб, улардаги аъзолар 75 минг 748 нафарни ташкил этади. Аъзоларнинг 112 нафари кўнгилчилар ҳисобланади.

Ўз муҳбиримиз

Бу – менинг онам!

Азамат фарзандлар камоли

Ҳозир нима кўп – танловлар кўп. Энг яхши китобхон, дейсизми, энг яхши ҳамширами, ё энг яхши фермер – ҳуллас, ҳаракат қилиб, жамият ҳаётида иштирокчи бўлган кимса борки, бирор танловда қатнашиб, голиб бўлиши ҳеч гапмас.

Биласизми, агар “Энг матонатли она” деган танлов ўтказилса эди, бу танловда Кўйи Чирчиқ туманилик Робия ая Камолова, ҳеч шубҳасиз, голиблар қаторида бўларди...

Бахт ва қайғу ёнма-ён экан. Асли педагог бўлган Робия Камолова беш фарзандни дунёга келтириб,

навқирон оила бахти ва сурурини тотаётган пайтида тақдирнинг аёвсиз зарбасига учради. Турмуш ўртоғи автохалокат оқибатида шундоқ бахтиёр оиласио, беш нафар фарзандини ташлаб, чин дунёга кетди...

Аслида, бир аёлга аёллик юкининг ўзи етиб ортади. Бирок, Робия Камолова ҳар қанча оғир бўлмасин, рўзгор юкини, фарзандлар тарбиясини, кўни-кўшни, қариндош-уруғ, маҳалла-қўй билан борди-келдини ўз зиммасига олди. Ўшанда фарзандларининг тўнғичи 8 ёш, кичиги эса 10 ойлик эди. Уларга ҳам ота, ҳам она бўлди. Бирин-кетин мактабга борган ўғил-қизларининг кийими эскирсада, аммо ёқаси кир бўлмади. Яхшики, ўқитувчилик дипломи бор экан, қишлоқ мактабида қорқўзларга ҳарф танитиб, тирикчилик ўтказди.

Дунёни гўзаллик асраганидек, инсонни инсонийлик азиз қиларкан. Ҳалол меҳнати, покиза шаъни, “бир кўлаб” катта қилган гулдек ўғил-қизлари камоли билан бугун Робия аянинг армонлари ушалди, умидлари буй чўзди. Катта оиланинг мисли Фармонбйбиси, асли фармонбардори бўлди. Ўғил-қизлар, келин-куёвлар, кўша-қўша набиралар ардоғида умргузаронлик қилаётган аянинг саодатманд-

Ўз муҳбиримиз
Аброр ЭСОНОВ
/ Тошкент ҳақиқати /
олган сурат



КОЛЛЕЖ САҲНАСИДАГИ САБОҚЛАР

Оққўргон тумани агросаноат ва тадбиркорлик касб-хунар коллежиде Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббус ижроси доирасида “Театр ва санъат – инсоннинг юксак фазилатларидан дарак беради, адабиёт эса уни кучли касб эгаси даражасига кўтаради” мавзудида анжуман ўтказилди.

Мазкур тадбир тўғрақлар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ўқувчи-ёшларнинг адабиёт, театр ва санъатга бўлган қизиқишларини янада ошириш мақсадида ташкил этилди.

Ўқувчилар “Табаррук даргоҳ” деб номланган дастлабки чиқишларида ўзлари яшаётган вилоят ва туман ҳамда тахсил олаётган таълим муассасасида амалга оширилаётган ибратли ишлар ҳақида сўзлаб, слайдлар намойиш этишди. “Болага китоб беринг” номли мусиқий саҳна кўринишида эса ўқувчилар



томонидан Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидан саҳналаштирилган эпизодлар йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Тадбир якунида фаол ўқувчилар фахрий ёрлик ва эсдалик совғалар билан тақдирланишди.

Ўз муҳбиримиз
Мансур ҲИММАТОВ
олган сурат



Ҳн саккиз оламнинг малюклари Жонини кўзинга нисор айласа

Адабиётимиз беҳисоб ўтли ва зулфиқор истеъдодларга бой. Яхшики, уларнинг сафи янада кенгайиб бормоқда. Энг нафис ва дилбар сатрлар доим шоирларимиз қалбидан тўкилади. Кўнглимизга тўрт фаслда ҳам баҳордек ёқимли туйғулар тўхфа этувчи вилоятимизнинг ёш ижодкор қизларини кўклам айёми билан табриклаб, муштарийларимизга уларнинг ижод намуналаридан ҳавола этмоқдамиз.

Нафис мажлислар

Ирода РАҲМОНАЛИЕВА
/ Чиноз /



Зикр

Юлдузлар тўқилган нам қароғларим,
Манзилге кўзлаган сокин оҳларим,
Ҳади йўқ таҳайюл аргумоқларим
Соҳир оқшомларинга бедор айласа...

Мудроқ, берк кўнглимга эй, соҳибасрор,
Лабларинг пичирлар ҳазор баҳазор.
Севги шеъасида айтилган изҳор
Яна ишқ баҳрини захҳор айласа!

Кўзимдан тўқилган оби кавсарим,
Тинимсиз теғранда кезиб сарсарим,

Ҳн саккиз оламнинг малюклари
Жонини кўзинга нисор айласа.

Қошигда бир мажруҳ, бир жисми майиб
Садпора юрагим турар мунғайиб...
Нетайин, куну тун фикрим тинмайин
Зикрингни тақрору тақрор айласа...

Чинг десам бўғзим куяр

Кўзларинг жаллод десам,
Дод десам, сен шод эсанг.
Ёраб! Бер сабот десам,
Фарёд десам, имдод эсанг.

Икки чашминг жилмайиб,
Кўксимни айлар майиб.
Жисму жоним кун сайин
Барбод эса, обод эсанг...

Пешонанг ўпмоққа шай,
Субҳидамда порлагай,

Сажжодангга чорлагай
Бомдод эсам, бомдод эсам!

Кунларимга фараҳ бер,
Сенга элтмас тараф бер!
Ишқ десам бўғзим куяр,
Ношод эсам, нишот эсанг.

Сендан йироқ кетгум, бас
Сенга фироқ элтгум, бас!
Бир умр тутиб бўлмас
Сайдинг эсам, сайёд эсанг...

Қайлардасиз?

Қайлардасиз, кимга кўзсиз, қулоқсиз?
Кимлар кезар сарҳадларда сўроқсиз?
Билармисиз, бу лоқайдлик, бу мудроқ
Бир кун сўйиб кўймоғи бор пичоқсиз?

Қайлардасиз, йигитмисиз ё қизми?
Зарари йўқ ит яласа денгизни.
Ҳаммаси яхши-ку ахир, дейсизми?
Ҳаммаси жойида ахир, дейсизми?

Қайлардасиз? Бўлди етар мақтовлар.
Олқишла, деб олаверманг қистовга.
Шунча кўз-кўз қилганимиз этади.
Кўз-қулоқ бўлайлик Ўзбекистонга!

Бувим айтган кўшиқ

Аста ҳаёл сурар бувим кайвони.
Барчамизга фалак бўлиб парвонийи.
Ўтган ёшлик чоғларини хотирлаб,
Бир кўшиқни қилаверар хиргойи:

"Читтигул-ей, кўйлақларим бўздан-ей
Мани ёрим танлаб кетти ўзгани.
Атлас кўйлақ олай, десам кургур-ей
Бўз кўйлагим йўқда ҳали тўзгани.

Читтигул-ей, кўйлақларим читдан-ей,
Ким экан у, қараб турган четдан-ей?
Четдан қараб турибди яхшиям,
Отам қайтиб қолади мачитдан-ей.

Кўйлақларим ёқалари бурама.
Севмас бўлсанг, кўп тикилиб қарама.
Билармисан, акам номдор полвондир,
Энди қайтиб кўчамизга йўлама!"

Аста ҳаёл сурар бувим кайвони.
Файзга тўлар уйимизнинг айвони.



Кумуш АБДУСАЛОМОВА
/ Қуйи Чирчиқ /

Яна ёшлик чоғларини хотирлаб,
Кўшиқини қилаверсин хиргойи.

Анлаганим бувим айтган сўзлардан
Улар кўйлақ кийган читдан, бўзлардан.
Нима десам экан, турфа либосга
Кийим жавонлари тўлган қизларга!

Розимасман у кунларга қайтишга.
Шеърим ўхшаб қолмадимиз тафтишга?
Читдан, бўздан кўйлақ кийган қизларнинг
Кўшиқлари бўлган йиғлаб айтишга.

Читтигул-ей, кўйлақларим бўздан-ей,
Мани ёрим танлаб кетти ўзгани.
Атлас кўйлақ олай, десам кургур-ей
Бўз кўйлагим йўқда ҳали тўзгани...



Реклама хукуки асосида

Олмалиқ кон-металлургия комбинати акциядорлик жамияти

ж а м о а с и

азиз ва муқаддас аёлларимизни
баҳор ва нафислик байрами
билан муборакбод этади.

Жамиятимиз кўрки, оилаларимиз
бахти бўлган муҳтарама она-
сингилларимизни
бахорий гўзаллик ҳеч
қачон тарк этмасин.

Доимо Сизни
ардоқловчилар
меҳр-муҳаббати ва
эътиборида бўлинг,
азизлар!



Тошкент вилояти Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси

ж а м о а с и

табиатнинг буюк мўъжизаси
бўлмиш мўтабар аёлларимизни
баҳорнинг илк шукуҳли айёми

8 март –
Халқаро хотин-
қизлар кунини

билан табриклайди.

Гўзаллик ва назокат Сизларни
ҳеч қачон тарк этмасин,
мунис онажонлар,
меҳрибон она-сингиллар!



Мудҳиш аломатлар

Аёллар куну...

Аёлларни фақат "онамиз, опамиз, синглимиз" деб билгучилар учун, шаҳарларни аёлларга ўхшатганлар учун, сўзлай туриб, "аёл" деганда овозини пастлатиб ўтиб кетадиганлар учун, унинг ўрнини санъатда фақат маъшуқа деб билгучилар учун, уни уйга қамаб, идиш-товоқ гўрига дафн этганлар учун, унинг меҳрини арзимас дидиб, тамаки қолдигидек кўчага отганлар учун, ула-залига кетадиган дулини рўзгорга ишлатса фойдалироқ бўлажagini айтиб камситганлар учун, ёзган шеърларини адабиёт дурдонаси эмас, шу аёл ҳолида ҳам ёзаяптику, дея ўни рағбатлантганлар учун, унга ишқ эмас, хирс билан қараганлар учун, ожизлигини сезиб, уни атай хўрлаганлар учун, севаман деган ёлгонлар билан уни бир умрлик чўрига айлантганлар учун, аёлни тупроққа, ўзини кетмонга қислаб, буюк "асарлар" яратган ўша оvsар шоирлар учун, сев-



ёзишни ўзига эп кўрмаганлар учун, рўмол ўраса рўмолига, ўрамаса сочларига ёпишиб, ўзининг имонли ё замонавий эканини исботламоқчи бўлганлар учун, аёлни кадрлаш ниқоби остида ҳар лаҳза ўзининг ёрдамга муҳтожли-

гини юзига солганлар учун, хотини фикрини айтаётганда уни одам билмай чеккани ташқарига чиқиб кетганлар учун, эрини кутса лақма, кутмаса енгилтак деб тамга урган пасткашлар учун, теурийлар тарихини ўқимай туриб, тарихда аёлнинг ўрни қандай бўлгани ҳақида ваъз ўқийдиган чаламуллалар учун, бадий танловларда аёлга ўрин бермаган но-холис ҳайъат аъзолари учун, аёлнинг ор-номусини руҳида эмас, бир кун тупроқ бўла-жак баданида дея унинг меҳрига тупурганлар, ишқ

изхорини ҳаёсизлик деб атаганлар учун, аёлнинг оstonадан ташқарига чиқишини тақиқлаганлар, пардоз қилишини, эркин кийинишини, ўзига қараб юришини ўзидек бемаъни, ўзидек бузуқ хаёлларга тақаганлар учун, аёлнинг буюк ишларини тан олмаган ва кичик бир ютуғини қахрамонлик деб, унинг кучига ишонмаганлар, атай саховат кўрсатиб, қадрини лойга қорганлар учун, маст эрини елкалаб кетатётганларни уялтирадиганлар учун, қизини фақат қиз бола бўлгани учунгина ўқитмайдиган, дардини эшитмайдиган оталар учун, рафиқасини ошхонада пиёз ҳидига кўмиб, ўзи дунёни олиш мақсадида чиқиб кетган тўқимтабиат жаҳонгирлар учун, ишхонасида фақат аёл бўлгани сабабгина унга алоҳида хона ажратмаган маҳдуд раҳбарлар учун, барча аёлларни товукмия билганлар учун, русчадаги "род"лар истифода этилмайдиган ўзбек тилини бузиб, шеър ёзадиган хотин-қизларни шоир эмас, шоира деганлар, аёллар

фақат ҳамширалик, доялик, котибалик ва ўқитувчилик қилиши керак дейдиганлар учун, ўғил эмас, қиз туғдинг дейдиган жоҳиллар учун ва... мени буни ёзишга мажбур этган бошқа-бошқа эркаклар учун, эҳтимол, 8 март ҳеч қандай маъно касб эмас, аммо бу бизнинг муаммо ҳам саналмайди.

Аёллар энг яхшиси-га лойиқ. Уни фақат кўлидаги қадоқлар, гўзаллиги, матонатини қатъияти, улғайтирган фарзандлари, оналиги, вафодор умр йўлдошлиги учунгина эъзозлаш – жамиятнинг қолоқлигини кўрсатувчи мудҳиш аломат саналади. Бу гапларимизга истеҳзо билан қараганлар, билиб қўйинг, ҳали сиз ҳақингизда айтадиганимиз кў!

Бу ҳали биринчи дарс. Аёллар, барини ташланг. Бугун сизнинг кунингиз. Боринг, ўзингизни севинг. Байрамингиз муборақ!

Мирзоҳид МУЗАФФАР



ОҚҚҮРФОНГА БИР КЕЛИБ КЕТДИК

Ўтлим Ортиқаби билан республикамиз бўйлаб саёҳат қилишни хуш кўрамиз. Тошкент вилоятининг Оққўрғон тумани ҳақида кўп эшитганимиз, аммо келиб кўрмаган эдик. Яқинда имконият туғлиб, туманга саёҳатга келдик. Бу ернинг камтар, содда, меҳнаткаш одамлари билан мириқиб суҳбатлашдик. Дижиталга сазовор манзилларни томоша қилдик. "Оққўрғон тумани 70 ёшда" китоби орқали туманнинг 2017 йилгана бўлган ҳаёти ҳақида янада тўлиқроқ танишдик. Маълумотларга кўра, Оққўрғон тумани 2500 йшдан ортиқ тарихга эга экан.


Ҳамсуҳбатларимиз кейинги уч йилда туманда бўлаётган катта ўзгаришлар ҳақида гапириб беришди. Туман марказида олиб борилаётган курилиш ва ободонлаштириш ишлари ҳақиқатан ҳам мақтовга сазовор экан. 1-ҳамда 16-мактабгача таълим ташкилотига болалар учун яратилган шaroитларни кўриб қувондик. 15-, 18-, 19-, 22-, 38-мактаб, туман марказидаги янги шифохона ва Олимпикент кўрғонидagi замонавий оилавий шифохоналар биноси кўркам ва шинамлиги билан эътиборимизни тортиди.

Туманда олиб борилаётган ибратли ишларни суратларга муҳрладик. Насиб этса, Оққўрғонга яна келамиз.

Аҳмадали ЁҚУБОВ
Наманган вилояти,
Ҳайти тумани

Тавсия

8 март – аёллар байрами арафасида ҳар бир инсон онаси, синглиси ёхуд рафиқаси юзидан табассум кўришини, яқинларини хурсанд қилишини истайди. Бироқ хонадонингиз маликалари учун совға танлашда эътиборли бўлиш керак. Бу борада сизга бир қанча таклифларни тақдим этамиз.



Маданий ҳордиқ чиқариш...
Байрам баҳонасида ажойиб спектакль ёки фильмга чипта, соғломлаштириш марказига йўлланма ёки кўнгилочар масканда маданий ҳордиқ чиқариш аёллар учун эсда қоларли байрам тўхфаси бўлиши аниқ.

Китоб...
Совға фақат моддий эмас маънавий фойда келтиришини истасангиз китоб олинг. Бугунги кунда китоб дўконларидан муқоваси чиройли дизайнда ишланган мазмунли асарларни топишингиз мумкин.

Маиший техника...
Рўзгор учун керакли техника воситаларини ҳада қилиш бир ўқ билан икки кўённи уришдек гап. Сабаби, бу танлов орқали сиз байрам совғаси билан бир қаторда аёлларга уй юмушларида енгиллик яратасиз.

Пардоз буюмлари...
Аёллар учун хушбўй атирлар энг яхши совға. Бироқ, бу борада жуда эҳтиёткор бўлиш лозим. Яъни, яқин инсонингизни дидини яхши билишингиз керак. Акс ҳолда, совға говғага айланиши мумкин.

Ширинлик...
Байрамларни ширинликларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Аёллар эса ширинлик олдида ожиз қоладилар.

Гуллар...
Аёлларга гул жуда ёқади. Аммо, фурсат ўтиб сўлиб қолиши бир оз дилни хира қилади. Агар совғангиз узоқ вақт яшнаб туришини хоҳласангиз хона гулларида танланг.

Аслида, совғангиз катта-кичиги бўлмайди. Озгина эътибор ва икки оғиз ширин сўз ҳам аёлларнинг нозик кўнглини тезда кўтарди.

Мафтуна СУННАТУЛЛАЕВА тайёрлади

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Мўътабар аёл



Аброр ЭСОНОВ олган сурат

Ёр излаб...
Санъат саройида бўлаётган саккизинчи март – Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали йиғилишга мени киритишмади.

Эшиқда турган тияла тишли жужурний хотинга ичимда йиғилиб қолган ҳамма гапларни тўкиб солдим.

– Ахир, мен ўн гулидан бир гули очилмаган 72 ёшли йигит бўлсам, нечукки сен мени отахон, дейсан. Мен бу ерга ўзимга муносиб ёр излаб келганимни биласанми?

У бўлса мени масҳара қилаётгандек тилла тишини кўрсатиб кулди. Кулиб туриб менга ғалатиноқ қараш қилди. Ҳе йўқ-бе йўқ: "Мени олмай-сизми", деб юборди-я!

Сесканиб кетдим. Унга дурустроқ қарадим. Биноийдек. Қадди-қомати ҳам жойида. Ҳали қирқдан ошмаган, башарасида битта ҳам ажим йўқ. Жуда менбоп аёл экан.

Унга сузилиб туриб, «олганим бўлсин», дедим. У бўлса: "Эртага МВДга совчи юборинг, улар министрининг олдига кириб, подполковник Холдоровага совчиликка келдик", деб айтишсин, деди.

Бир қочиш қилдим! Ўлай агар, бунақа қочишга ОБХССнинг ити ҳам етолмайди.

Ҳамма гап – гапда
Солия амма қорани оқ деб ишонтира олади. Оқни қора қилиб кўрсатиш унга бир қултум сувни ютгандек гап.

Келинини ёмонлаганда:
– Ҳа, ишлаб нима топарди. Ярим ойлик моюнасига саккизта дирдов кўй ҳам келмайди.

Ўғлини мақтаганда:
– Ярим ойлик моюнасига саккизта бурдоқи товук келади.

Кўевини мақтаганда:
– Кўевимнинг ичганидан бўшаган шишаларга икки оила бемалол рўзгор тебрата бўлади.

Акасини мақтаганда:
– Ишқилиб толиб келмасе ҳамки, эркаклик уйнинг файзи бошқача бўлади-да.

Кудасини ёмонлаганда:
– Бирам бачкана, бирам бачкана, қалъавотда ётишига бало борми?

Қизини мақтаганда:
– Шу кенжа қизим ҳам опаларига ўхшаб нозиккина чикди. Юрса ховли тўлиб кетади. Автомобили йўқ одам оstonамга совчи юбориб, овора бўлмай қўяқолсин.

Ўзини гапирганда:
– Ёшлигимдаям шунақа келишим-

Олмалик шаҳридаги 13-мактабда узоқ йиллар директор бўлиб ишлаб, нафақага чиққан Назминисо Абдурахмонова байрам арафасида «Мўътабар аёл» кўрак нишонини билан тақдирланди. Уни шоғирдлари қаторида қизи Дилфуза Аҳмедова ҳам табриклаб, меҳр билан қучиб қўйди.

Унинг ишим тез ва осон ҳал бўлганидан жуда хурсандман. Негаки, яқин-яқингача судга иши тушганлар "сарсон-саргардонликдан безиб қолишган, суд деса юракларини гўлгула босарди. Юртимизда суд-ҳуқуқ тизимида бўлаётган ислохотлар бу ерга ҳам етиб келиб, суд жамоаси тубдан ўзгартирилдию одамларнинг бағрига шамол төгди.

Биринчидан, ишлаш тартиби аҳолига қулай қилиб ўзгартирилди. Авваллари аризалар фақат тушликкача қабул қилинар, шу сабабли,

СУДГА ИШИМ ТУШГАНДИ...

Ўзим тадбиркорман. Бундан икки йил аввал судга ишим тушди. Адвокат ёлладим, аммо, у сўраган пулни толиб беролмадим. Роса сарсон бўлдим...

Яқинда янгидан фуқаролик ишлари бўйича Оҳангарон судига ариза бериб, ишимга тааллуқли барча ҳужжатларни тақдим этдим. Тез орада ишим сайёр судда кўриб чиқилиб, икки томон учун ижобий ҳал этилди. Қўлимга суднинг ҳал қилув қарорини олдим.

Очиги, ишим тез ва осон ҳал бўлганидан жуда хурсандман. Негаки, яқин-яқингача судга иши тушганлар "сарсон-саргардонликдан безиб қолишган, суд деса юракларини гўлгула босарди. Юртимизда суд-ҳуқуқ тизимида бўлаётган ислохотлар бу ерга ҳам етиб келиб, суд жамоаси тубдан ўзгартирилдию одамларнинг бағрига шамол төгди.

Биринчидан, ишлаш тартиби аҳолига қулай қилиб ўзгартирилди. Авваллари аризалар фақат тушликкача қабул қилинар, шу сабабли,

идорада доим навбат кутишдан жанжал чиқарди. Эндиликда аризалар иш вақти тугагунча қабул қилиниб, белгиланган муддатдан кечиктирилмай кўриб чиқилмоқда. Мурожаат қилиб келганларга ходимлар чиройли муомала билан сўраган нарсаларини тушунтириб беришади.

Мен билан ҳам худди шундай бўлди. Суд раиси А. Олимова ва судья О. Баракаев билан суҳбатлашгач, суд оргanelлари ҳақидаги тасаввурим бутунлай ўзгарди. Уларнинг тавсия ва тушунтиришларидан кейин билмаганларим ойдинлашди.

Газетангиз орқали одамлар учун хизмат қилаётган фуқаролик ишлари бўйича Оҳангарон суди жамоасига миннатдорчилигимни етказсангиз.

Малика ЎЛМАСОВА
Ангрэн шаҳри

Байрам табассуми



ликкина эдим, унча чиройлик эмасдим-ку, лекин истарам ўлгур иссиқ. Хуллас, ким қанақалигини билмоқчи бўлса, Солия аммани ойна қилиб қарасин. Ўзини "точний" кўради.

Адреси: Кўкча, қатик бозори.

Бева ёзувчининг кундалигидан

Баъзи ёш қизлар ёзувчиларнинг пули кўп деб ўйлашади. Ёзувчига эрга тегиб кўришса қанақалигини билишарди.

Шу миркуруқ ёзувчига-ку, эрга тегибсан, кўраяпанки тирикчилик

Телестудиядаги чиройли диктор қизларни ишдан бўшатиб, ўрнига кампирларни қўйиш керак. Чолларнинг кўнглини бузишга йўл қўймаймиз.

Ветеран пенсионерларнинг талаби шу!

Саид АҲМАД,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси